

# Термиз тумани Фавқулудда вазиятлар бўлимида “Очиқ эшиклар куни” ўтказилди



Ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни касбга йўналтириш мақсадида Термиз тумани Фавқулудда вазиятлар бўлимида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

Тадбирида Фавқулудда вазиятлар бўлимида яратилган шароитлар, ёнғин қутқарув машиналари ва ёнғин ўчириш асбоб-ускуналарини ишлатиш тартиблари, шарафли ўт ўчирувчи касбининг машаққатлари, иш жараёнлари кўрсатиб берилди.

Шунингдек, ўқувчи-ёшлар Фавқулудда вазиятлар бўлими шахсий таркиби ходимлари томонидан фавқулудда вазиятлар юзага келганда амалга ошириладиган тадбирлар, ҳатакат дастурлари билан ҳам танишишди.